

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
“ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ” КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 338.43(083.742)

МУХИДДИНОВА КАМОЛА САГДУЛЛАЕВНА

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА GLOBAL GAP
СТАНДАРТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

70310102 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
доцент А.А.Ядгаров

Тошкент – 2023

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иктисодиёти” кафедрасида дастлабки химоядан ўтган.

3 сонли баённома « 25 » 04 2023 й.

Илмий раҳбар:

А.Ядгаров




16.05

ИМЗО

сана

Магистр:

К.Мухиддинова



16.05


ИМЗО

сана

Диссертация иши Иктисодиёт факультетида 2023 йил “17” 05
№ 2/05 рақами билан рўйхатга олинган.

“Химояга тавсия этилади”

“Тармоқлар иктисодиёти” кафедраси
муdiri, доц. И.Хотамов



“3” май 2023 йил

Химоя 2023 йил “17” 05 соат 10⁰⁰ да Тошкент давлат
иктисодиёт университетида бўлиб ўтади.

Аннотация

Дунё иктисодиёти ривожда халқаро стандартларни жорий этиш кенгайиб боришига карамай, маҳаллий амалиётда уларни қишлоқ хўжалиги кооперациялари агрокластерлар, дехқон ва фермер хўжаликлари, шунингдек агрологистика тизимлари фаолиятларида кенг фойдаланиш бўйича илмий ёндашувлар етарли даражада ривожланмаган. Уларни ҳисобга олган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш сифатни бошқариш тизимларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамиз аграр соҳасини ислоҳ қилиш, хусусан соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Диссертация ишида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва Global GAP стандартини жорий этишнинг назарий ва услубий асослари ўрганилган, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорининг ривожланиши ва экспорт кўрсаткичлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар келтирилган. Диссертация ишида Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини ривожлантиришда халқаро сифат стандартларини жорий этиш тушунчасининг моҳияти ва функциялари, Global GAP стандартини жорий этиш асосида экспортни ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизминини такомиллаштириш йўллари бўйича таклиф ҳамда тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: рақобатбардошлик, аграр соҳа, Global GAP стандарти, экспорт, халқаро сифат стандартлари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш.

Abstract

Despite the expansion of the introduction of international standards in the development of the world economy, in local practice, scientific approaches to their widespread use in the activities of agricultural cooperatives, agroclusters, farmers and farms, as well as agrologistics systems are not sufficiently developed. Considering them, it is important to improve the quality management systems to increase the competitiveness of fruit and vegetable products.

Reforming the agrarian sector of our republic, in particular, improving the state management system in the sector, wide introduction of market relations, strengthening the legal basis of relations between entities that grow, process and sell agricultural products, attract investments to the sector, introduce resource-efficient technologies, and encourage producers of agricultural products. Certain works are being carried out to provide modern equipment.

The theoretical and methodological foundations of ensuring food safety and the introduction of the Global GAP standard are studied in the thesis, and the researches conducted on the development of the agricultural products market and export indicators in Uzbekistan are presented. In the dissertation work, the essence and functions of the concept of introduction of international quality standards in the development of export of agricultural products of Uzbekistan, proposals and recommendations on ways to improve the mechanism of ensuring food safety of export development based on the introduction of the Global GAP standard are given.

Key words: competitiveness, agricultural sector, Global GAP standard, export, international quality standards, ensuring food safety.

МУНДАРИЖА

I БОБ.	КИРИШ.....	8
1.1.	Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	8
1.2.	Тадкикотнинг мақсади ва вазифалари.....	11
1.3.	Тадкикотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	11
1.4.	Тадкикот объекти ва предмети.....	12
1.5.	Тадкикот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти....	13
1.6.	Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	13
II БОБ.	АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	14
2.1.	Адабий манбаларда келтирилган тадқиқот натижалари.....	14
2.2.	Тадқиқот гипотезаси.....	27
III БОБ.	ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ.....	33
3.1.	Маълумотлар манбалари.....	33
3.2.	Тадқиқот дизайни.....	34
3.3.	Тадқиқотда қўлланилган услублар.....	35
3.4.	Тадқиқотни ўтказиш учун зарур шароитлар.....	35
3.5.	Тадқиқот жараёнида кутилаётган муаммолар ва уларнинг ечими..	35
3.6.	Тадқиқотдан кутилаётган илмий ва амалий натижалар.....	35
IV БОБ.	ТАДҚИҚОТ ТАҲЛИЛИ ВА НАТИЖАЛАР.....	37
4.1.	Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва Global GAP стандартини жорий этишнинг аҳамияти.....	37
4.2.	Ўзбекистонда кишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорининг ривожланиши ва экспорт кўрсаткичлари таҳлили.....	52
4.3.	Ўзбекистон кишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини ривожлантиришда халқаро сифат стандартларини жорий этиш ҳолати.....	63
4.4.	Global GAP стандартини жорий этиш асосида экспортни ривожлантириш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизмини такомиллаштириш йўллари.....	71
V БОБ.	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	82
5.1.	Тадқиқотнинг асосий илмий - амалий янгилиги ва натижалари....	82
5.2.	Тадқиқот натижасида келтирилган асосий тавсия ва таклифлар....	83
5.3.	Келгуси тадқиқотчилар учун таклифлар.....	85
	ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	86

I БОБ. КИРИШ

1.1. Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги учинчи “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юкори ўсиш суръатларини таъминлаш” устувор йўналишининг 22-мақсадида “Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробар ошириш” белгилаб берилган. Шунингдек, Ташқи бозор ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ва машҳур брендларни жалб қилишга қаратилган¹.

Халқаро даражада озик-овқат маҳсулотларининг сифати ва бугунги кунда рақобатбардошлигини оширишга бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу сабабли маҳсулотлар, хусусан, мевасабзавот маҳсулотлари сифатини ошириш, маҳсулотларни етиштириш ва кафолатланган хавфсиз етказиб бериш занжирини таъминлашда маркетинг хизматининг ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда. “2022 йилда дунёда ISO 9001:2015 стандарти талабларига жавоб берадиган 978 мингдан ортиқ сифат менежменти тизими ҳамда ISO 22000:2005&2021 стандарти талабларига жавоб берадиган 33 мингдан ортиқ озик-овқат хавфсизлигини бошқариш тизими жорий этилган”².

Ушбу стандарт тизимларни жорий этиш кенгайиб боришига қарамай, маҳаллий амалиётда уларни қишлоқ хўжалиги кооперациялари агрокластерлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, шунингдек агрологистика тизимлари фаолиятларида кенг фойдаланиш бўйича илмий ёндашувлар етарли даражада ривожланмаган. Уларни ҳисобга олган ҳолда мева-сабзавот

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” Фармони. Тошкент ш., 2022 йил.

² <https://www.iso.org/the-iso-survey.html>